

1-1-2020

Expansion of the activities of consular offices to attract foreign investment, advanced modern technologies and scientific achievements, as well as expanding the flow of tourists to the Republic of Uzbekistan

A. K. Akhmedkhodjayev

The Republican Scientific and Practical Center for the Development of Innovative Methods of Teaching Foreign Languages

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/intrel>



Part of the [International Law Commons](#)

Recommended Citation

Akhmedkhodjayev, A. K. (2020) "Expansion of the activities of consular offices to attract foreign investment, advanced modern technologies and scientific achievements, as well as expanding the flow of tourists to the Republic of Uzbekistan," *International Relations: Politics, Economics, Law*: Vol. 2019 : Iss. 34 , Article 11.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/intrel/vol2019/iss34/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *International Relations: Politics, Economics, Law* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

- Трибуна молодого ученого ■
- Young Researcher's Rostrum ■

А.Х. Ахмедходжаев

Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестициялар, илғор замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини жалб этиш ҳамда сайёҳлар оқимини кенгайтиришда консуллик муассасалари фаолиятининг ўрни ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг савдо-иқтисодий ва инвестициявий-молиявий алоқаларининг жадал суръатларда кенгайиши бошқа давлатлар билан ҳар томонлама муносабатларни муттасил ривожланиши билан кечадиган жараён бўлиб, бу Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш заруратини юзга келтирди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи сиёсий фаолиятини авваламбор ривожланган ва кенг тармоқланган дипломатик ва консуллик муассасалари ёрдамида амалга оширади.

Консуллик муассасалари анъанавий равишда ташқи сиёсий органлар тизимига кириб, ташқи сиёсий орган, хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар қошидаги ваколатхоналар билан бир қаторда давлатнинг ташқи сиёсий функцияларини бажаради. Консуллик муассасалари дипломатик ваколатхоналардан фарқли ўлароқ, мамлакатимиз фуқаролари ва юридик шахсларини хорижда ҳимояси, уларга турли давлат юридик хизматларини кўрсатишни амалга оширади.

Ахмедходжаев А.Х., чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази

А.Х. Ахмедходжаев

Мустақиллик йилларида республикамиз ташқи сиёсий органларининг, шу жумладан консуллик муассасаларининг изчил тизимини яратишга, Ўзбекистон Республикасининг азалий ва янги ҳамкор-мамлакатлари билан консуллик муносабатларини ривожлантиришга муваффақ бўлинди.

Авваламбор истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистоннинг чет эл мамлакатлари билан дипломатия муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими, жумладан, кон-

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистоннинг чет эл мамлакатлари билан дипломатия муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими, жумладан, консуллик фаолиятини олиб боришнинг қонунчилик негизини яратишга киришилди ва бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида дипломатия ва консуллик қонун ҳужжатларининг изчил тизими тарк иб топди.

суллик фаолиятини олиб боришнинг қонунчилик негизини яратишга киришилди (11, 56) ва бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида дипломатия ва консуллик қонун ҳужжатларининг изчил тизими таркиб топди.

Жамият ҳаётининг турли жабҳаларида, жумладан, иқтисодиёт, савдо, маданият, туризм ва фан соҳаларида Ўзбекистон фуқаролари, ташкилотлари ва корхоналарининг бошқа мамлакатлар фуқаролари, корхоналари ва фирмалари билан алоқаларини кенгай-

иши ва чуқурлашиши Ўзбекистон Республикаси дипломатик ва консуллик ҳуқуқининг ўрни ва аҳамиятини сезиларли даражада ортишига олиб келди. Мазкур муносабатлар ва алоқаларни тартибга солиш консуллик хизматининг ваколатлари жумласига киради.

Дарҳақиқат, бугунги кунда консуллик муносабатлари ҳам давлатлар, ҳам жисмоний ва юридик шахслар учун алоҳида диққатга сазовордир, зеро уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш мазкур муносабатларнинг самарадорлик даражаси билан белгиланади. Бу эса мамлакатимиз юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси консуллик хизмати тизимининг самарали фаолиятига боғлиқ эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг консуллик хизмати “Ўзбекистон дипломатия хизматининг таркибий қисми” ҳисобланади (7, 166-167).

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муносабатлари 1963 йилги Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенциясига, Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама консуллик конвенциялари ва битимларига, Ўзбекистон Республикасининг консуллик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставига асосланади.

Консуллик муносабатларини турли йўналишларда ва кенг норматив-ҳуқуқий тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг консуллик муносабатларини барқарор ривожлантиришга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида консуллик муносабатларини тартибга солишда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави марказий ўрин тутди (16).

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави қабул қилингунга қадар эса 29 август 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави ҳаракатда бўлиб келди (17).

Юқорида қайд этилганидек, мустақилликнинг илк йиллариданоқ консуллик фаолиятининг турли йўналишлари ҳуқуқий тартибга солинди, хусусан, консуллик легаллаштириш масалалари (5), консул томонидан ҳужжатларни қонунийлаштириш масалалари (4), консуллик йиғимларининг тарифи (13), консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни қоплаш учун йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан фойдаланиш тартиби (6) шулар жумласидандир. Бундан ташқари хорижий давлатларнинг консуллик муассасалари ва уларнинг ходимларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилиш тартиби ўрнатилди (8), хорижий давлатларнинг консуллик муассасалари ва уларнинг ходимларининг Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти тартибга солинди (9), чет элда бўлган фуқароларимизга паспорт бериш жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш ва консуллик муассасалари ваколатларини белгилаш борасида тегишли тартиб ўрнатилди (18), Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизими органлари, хусусан, консуллик муассасаларининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш борасида Президентнинг тизим яратувчи Фармони қабул қилинди (15).

Дарҳақиқат, Республикамизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёни консуллик муассасалари олдига ҳам янги вазифаларни қўйиб, консуллик муносабатлари билан боғлиқ бўлган масалалар ечимига нисбатан янгича ёндашувни талаб қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонида консуллик муассасалари фаолиятида кўрсатилаётган давлат хизматларининг тезкорлик ва сифат даражаси, Ўзбекистоннинг хориждаги жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, оғир шароитга тушиб қолган фуқароларга ёрдам кўрсатиш даражаси қониқарсиз аҳволда қолаётгани қайд этилиб (12), амалдаги норматив-ҳуқуқий базадан тортиб, ташкилий штат тузилмасининг бугунги фаолияти, ташқи сиёсий идора консуллик муассасалари томонидан кўрсатилаётган давлатлар хизматларининг ҳозирги суръати, сифа-

А.Х. Ахмедходжаев

ти, кадрлар сиёсатининг самарасизлиги ва илғор ахборот-коммуникация технологияларининг етарли даражада жорий этилмаслиги каби муаммолар бирма-бир келтириб ўтилади.

Ушбу йўналишда, аввало консуллик муассасалари ишини янада фаоллаштириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан консуллик муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ва шартномавий базани Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатини самарали амалга ошириш ва унинг жаҳон ҳамжамиятига янада фаол қўшилишини таъминлаш манфаатларида такомиллаштириш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқида, “мамлакатимиз саноати ва инфратузилмаларини модернизация қилиш ва ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, илғор замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини фаол жалб этиш зарур. Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан фаол инвестиция сиёсатига боғлиқ. Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар оқимини кенгайтириш бўйича элчихоналаримиз ҳам фаол ва тизимли иш олиб бориши лозим” (14), деган ташқи сиёсий органлар, хусусан консуллик муассасалари учун зарур бўлган фаолиятнинг замонавий йўналишларини санаб ўтди. Фикримизча, бунга эришиш учун улар энг аввало мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларни чет элда илгари суришга кўмаклашиши, мамлакатимиз компаниялари, фирмалари ва корхоналари билан уларнинг чет эллик ҳамкорлари ўртасида боғловчи бўғинга айланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг ушбу нутқида дипломатик муассасалар фаолияти аввало қўйидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди, яъни:

“Биринчидан, экспорт, экспорт ва яна бир бор экспорт! Гап Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижий давлатлар бозорларига экспорт қилишга ҳар жиҳатдан амалий кўмаклашиш ҳақида бормоқда. Бугунги кунда дунёдаги кўплаб давлатлар, хусусан, ривожланган мамлакатларнинг ташқи сиёсат фаолиятида айнан шу масалага энг устувор аҳамият берилишини сизлар яхши биласизлар.

Иккинчидан, мамлакатимиз саноати ва инфратузилмаларини модернизация қилиш ва ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, илғор замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини фаол жалб этиш зарур.

Биз мамлакатимизга чет эл инвестицияларини жалб қилишда элчиларимиз, дипломатларимизнинг иштирокини кучайтириш ҳақида сўз юритдик.

Учинчидан, Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар оқимини кенгайтириш бўйича элчихоналаримиз ҳам фаол ва тизимли иш олиб бориши лозим.

Ана шу муҳим вазифаларнинг барчаси сизларнинг кундалик фаолиятингизнинг устувор йўналишлари бўлиши даркор” (14).

Шу билан биргалликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сонли Фармонининг 1-бандида “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, чет эл инвестициялари ва илгор технологияларни жалб қилиш, миллий товарлар ва хизматларни жаҳон бозорларида тарғиб этиш ҳамда мамлакатга сайёҳлар оқимининг кўпайиши учун қулай ташқи сиёсий шароитлар яратиш” (15) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг, хусусан, консуллик муассасаларининг асосий вазифаларидан бири сифатида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муносабатларини амалга ошириш амалиёти мазкур фаолиятнинг ижобий натижалари ҳам республика учун, ҳам унинг фуқаролари учун улкан аҳамият касб этишидан далолат беради. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари ҳам давлат, ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, ушбу тоифа муносабатларини ривожини аввало ташқи сиёсий тизимнинг ривожланганлик даражаси билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг турли давлат ва шаҳарларда очилаётган кўп сонли консуллик муассасалари юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини тезкор ва сифатли ҳимоя қилишга имконият яратиб беради.

Ўзбекистон Республикасида консуллик институтининг шаклланиши ва ривожини кузатилиб, қатор консуллик муассасаларининг очилиши,

Ўзбекистоннинг консуллик муассасалари ўз фаолиятларини тубдан қайта кўриб чиқишлари ва ўз фаолиятининг тамал тоши сифатида ташқи иқтисодий манфаатларни илгари суриши, хорижий инвестицияларни республикага жалб қилиши, сайёҳлар оқимини кенгайтириши, республикамизни халқаро транспорт ва логистика йўналишларига қўшилишини таъминлаши бўлиши лозим.

А.Х. Ахмедходжаев

янги тахрирда Консуллик уставининг қабул қилиниши фикримизнинг ёрқин исботидир.

Фикримизча, консуллик ҳуқуқининг ривожини ҳам илмий, ҳам амалий, ҳам ҳуқуқ ижодкорлиги йўналишларида бир хилда изчиллик билан амалга оширилиши лозим. Айниқса, ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида қилинадиган ишлар кўламини кенг бўлиб, бунда жорий қонунчиликни ривожлантириш, мустақилликнинг илк йилларида қабул қилинган ва ҳозиргача ҳаракатда бўлган қатор ҳужжатларни янгилаш талаб этилади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг консуллик муассасалари ўз фаолиятларини тубдан қайта кўриб чиқишлари ва ўз фаолиятининг тамал тоши сифатида ташқи иқтисодий манфаатларни илгари суриши, хорижий инвестицияларни республикага жалб қилиши, сайёҳлар оқимини кенгайтириши, республикамизни халқаро транспорт ва логистика йўналишларига қўшилишини таъминлаши бўлиши лозим. Шу сабабли, консуллик ваколатхоналаримиз штатига ТИВ фаолиятига тааллуқли бўлган охириги фармон ва қарорларда белгиланган ташқи иқтисодий, инвестиция ва сайёҳлик соҳаларига оид лавозимларни, яъни инвестициявий атташе, туризм атташеси ва атташе-логист лавозимларини жорий этиш ва киритиш мақсадга мувофиқдир.

Таклиф этилган лавозимларда ишлайдиган вакилларимиз мамлакатимизнинг юридик ва жисмоний шахсларига ишончли ахборотни тезкорлик билан олиш, уларга чет эллик ҳамкорлар билан ташқи иқтисодий битимларни тузиш ва кейинчалик уларни юридик қўллаб-қувватлашда ёрдам кўрсатиши лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимиз саноати ва инфратузилмаларини модернизация қилишда хорижий инвестициялар, илғор замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини фаол жалб этиш ҳамда Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар оқимини кенгайтириш вазифасини ҳал этишда консуллик муассасалар фаолиятини ислоҳ этиш ва кенгайтириш лозим бўлиб, юқорида билдирилган амалий таклифларнинг амалга ошириши Ўзбекистоннинг консуллик муассасалари олдида турган асосий вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. *Алламуратов А.Т.* Теоретические вопросы дипломатического и консульского иммунитета в уголовном процессе: Учебное пособие / Под общей ред. профессора Абдумажидова Г.А. – Ташкент: ТГЮИ, 2003.

2. *Вейнер А.П.* Консулы в христианских государствах Европы и Североамериканских Соединенных Штатах. – СПб.: Тип. Князя В. П. Мещерского, 1894. – Стр. 4–6;

Бобылев Г.В., Зубков Н.Г. Основы консульской службы. – М., 1986. – Б. 610 ва бошқ.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон; миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 1993. – 50-б.

4. “Консул томонидан ҳужжатларни қонунийлаштириш тўғрисида”ги Йўриқнома (рўйхат 313-сон 12.03.97 й.).

5. Консуллик легаллаштириш тўғрисидаги 14 февраль 1997 йилдаги Йўриқнома / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1997 йил 12 мартда 313-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

6. «Консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни қоплаш учун йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат. 1273-сон, 18.09.2003 й.).

7. Маматқулов А. Халқаро ҳуқуқ. – Тошкент: «Адолат», 1997. – 166–167-бетлар.

8. Порядок аккредитации дипломатических представительств, консульских учреждений иностранных государств, представительств международных организаций и их сотрудников при Министерстве иностранных дел Республики Узбекистан от 8 мая 2001г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2001. – № 9 (21). – Ст. 48; “Хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарини, консуллик муассасаларини, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарини ва уларнинг ходимларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилиш тартибига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 6 май 2019 йилдаги 376-сонли қарори // Национальная база данных законодательства, 06.05.2019 г., № 09/19/376/3096.

9. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 207 «О деятельности дипломатических представительств, консульских учреждений иностранных государств, представительств международных организации и их сотрудников в Республике Узбекистан» от 8 мая 2001 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2001. – № 9 (21). – Ст. 46; Положение «О дипломатических представительствах и консульских учреждениях иностранных государств в Республике Узбекистан» от 8 мая 2001 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2001. – № 9 (21). – Ст. 47.

10. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. – Ташкент: «Адолат», Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2000. – С. 123–124.

11. Саидова Л.А. Правовые основы дипломатии Узбекистана // Московский журнал международного права. – М., 1999. – № 2. – С.56.

12. Йўлдошев Townjlam: Бу - Ўзбекистонни дунёга очадиган фармон // <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-43669779>. – 2018. – 6 апр.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси консуллик йиғимларининг тарифи».

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/1423>. – 2018. – 12 янв.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сонли Фар-

А.Х. Ахмедходжаев

мони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04. 2018 й., 06/18/5400/1023-сон.

16. «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги 17 январь 2019 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 03/19/517/2497-сон; Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 03/19/517/2497-сон.

17. «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги 29 август 1996 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини амалга киритиш ҳақида»ги 262-I-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 125-модда; Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 124-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2010 й., 37-сон, 313-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда.